O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



2000 йил 18 май пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 94 (2391)

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси Б.Ҳамидов бошқарди.

Йиғилишда ҳудудий комиссияларнинг Наманган, Фарғона вилоятларида зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналар банкротлиги ва уларни санациялаш, Тошкент шаҳридаги санацияланаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш тўғрисидаги ахбороти тингланди. Мазкур ҳудудий комиссияларнинг иқтисодий ночор корхоналар зарарини тугатиш ва банкротликка учраган корхоналарни тугатиш борасидаги фаолияти етарлича эмас, деб топилди.

Комиссия қарорига биноан "Самуйжойқурилиш" акциядорлик жамияти (Самарқанд вилояти), 6-сонли автотранспорт корхонаси (Фарғона вилояти) банкрот деб эълон қилинди, шунингдек, "УрганчЗСМ" акциядорлик жамиятининг тўловга лаёқатлилиги тикланиши муносабати билан уни санациялаш тўхтатилди.

Ҳукумат комиссияси Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмита ва "Махсусқуйилма" республика бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган ЎзКТЖМнинг 2000-2001 йилларда ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ва молиявий соғломлаштириш режасини маъқуллади.

Йиғилишда корхоналарнинг бизнес-режалари ва санациялаш режаларини экспертиза қилиш, корхоналарнинг иқтисодий ночорликни бартараф этишини назорат қилиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳларининг янги таркиблари тасдиқланди.

Йиғилиш натижаларига кўра вазирликлар, идоралар, хўжалик юритиш субъектлари бирлашмалари ва тегишли ҳудудий комиссияларга тўловга лаёқатсиз ва истиқболсиз корхоналарни банкрот деб эълон қилишга доир таклифларни ҳукумат комиссиясига тақдим этиш орқали корхоналарнинг зарар кўриб ишлаши ва иқтисодий ночорлигини тугатиш бўйича қатъий чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

**ЎзА**

## Она-юрт бўйлаб...

### БУЮК АЛЛОМАЛАР ЁДИ

Маълумки, бу йил мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан калом илмининг буюк дарғаларидан бири Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги ҳамда фиқҳ илмининг асосчиларидан бири Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳазратларининг ҳижрий сана билан 910 йиллиги юбилейлари кенг нишонланади. Айни вақтда Мотуридий таваллуд топган Самарқандда, Бурҳониддин Марғиноний туғилган Риштон ва ул зот яшаб ўтган Марғилон шаҳарларида жуда катта ҳажмда қурилиш-ободонлаштирш ишлари амалга оширилмоқда. Эътиборли томони шундаки, бундай хайрли ишлардан турли корхона ва ташкилотлар, саховатпеша фуқаролар ҳам четда тургани йўқ.

Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарқанд шаҳрида қурилажак "Алломалар ёдгорлик мажмуи" учун йигирма миллион сўм, Марғилон ва Риштонда қуриладиган юбилей иншоотлари учун ҳам йигирма миллион сўм пул ажратди.

Ушбу маблағ ёзилган чекни топшириш чоғида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раҳбари муфтий Абдурашид қори Баҳромов аждодлар хотирасини тиклаш ва уларга муносиб иззат-икром кўрсатиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканини таъкидлади. Бу ишга ҳукуматимиз ва шахсан Президент Ислом Каримовнинг бош-қош бўлиб тургани ҳаммамиз учун ибратлидир.

### "ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА"

Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида" мавзуида икки кунлик халқаро конференция бошланди. Унда хорижий мамлакатлар фирма ва компанияларидан икки юзга яқин делегат иштирок этмоқда.

Анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад нефтгаз, электр энергетикаси соҳаларини янада ривожлантириш истиқболлари, бу борада ишлаб чиқилган лойиҳаларни молиялаш, соҳага хориж сармоясини кўпроқ жалб этишдир.

Тадбир қатнашчилари мутахассисларнинг "Ўзбекистон Республикаси энергетика мажмуининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи", "Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсати", "Хусусийлаштириш жараёни ва унда хорижлик сармоядорларнинг иштирок этиш имкониятлари", "Ўзбекистон нефт-газ саноати XX1 аср бўсағасида" ва бошқа мавзулардаги маърузаларини тинглайди. Шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эл компаниялари вакиллари ҳам Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёни ва унда хорижликларнинг иштирок этиш имкониятлари борасидаги фикрлари билан ўртоқлашади.

### ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАР КУТМОҚДА

Яқин кунларда Хумсон, Чимён, Оқтош томонлардаги ёзги оромгоҳларда болаларнинг шодон қийқириқлари, куй-қўшиқлари янграй бошлайди. Улар 40 мингдан ортиқ ўғил-қизни ўз бағрига олади.

Болаларни ёзги оромгоҳларга етказиб қўйиш, соғломлаштириш ва дам олдириш ишларини кўнгилдагидек ташкил этиш, ўғил-қизларни маънавий ва маърифий тарбиялаш масалалари хусусида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши, бошқа манфаатдор идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари семинар кенгашида маслаҳатлашиб олинди. «Тошйўловчитранс» давлат уюшмаси, Давлат автомобил назорати инспекцияси, маҳаллий идоралар зиммасига болаларни оромгоҳларга бехатар етказиб қўйиш вазифаси юкланади.

Бу йил Хумсонда яна битта янги оромгоҳ очилади. Шу билан Бўстонлиқдаги ёзги соғломлаштириш муассасалари 34 тага етади. Анъанага кўра, уларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларнинг 4 мингга яқин фарзандлари бепул дам олдириб, соғломлаштирилади.

### ОҲАНГЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида анъанавий "Ўзбекистон қўшиқ байрами" республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичига якун ясалди. Унда буюк истиқлол, она-Ватан озодлиги ва эркинлигини тараннум этувчи қўшиқлар янгради. Танлов давомида вилоят шаҳар ва қишлоқларида яшаб ижод этиб келаётган иқтидорли ёшлар кашф этилди. Муножот Нурматова шеърига Анор Назаров куй басталаган "Ўзбекистон" қўшиғини ижро этган Олмалиқ шаҳар маданият уйи қатнашчиси Дилноза Исмияминова танлов ғолиби деб топилди ва республика босқичига йўлланма олди.

### ПИЛЛА ТОПШИРИШ ҚИЗҒИН

Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсупов туманидаги "Миришкор" хўжалиги "кумуш тола" ижодкорлари пилла топшириш режасини бажардилар. Қабул пунктларига 5,4 тонна ўрнига 6,5 тонна сифатли саноат хомашёси жўнатилди. Ҳар қути уруғдан ўртача 60 килограммдан ҳосил олинди. Пиллакорлар ялпи хирмонни саккиз тоннага етказиш ниятида меҳнат қилмоқдалар.

**«Халқ сўзи», «ЎзА» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**



*Деҳқон яхши ният билан меҳнат қилади. Ерга уруғ қадаб, бўй чўзганини кўрганидан кейин ўзича чамалайди. Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Турон» ширкат хўжалиги деҳқонлари бу йил 140 гектарга дон экди. Улар буғдойзорларга қараб, бу йил ҳосил 41 центнердан кам бўлмаслигини чамалашяпти. Бугунги кунда ширкат хўжалигининг барча далаларида ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин.*

*– Жорий йилда буғдойнинг маҳаллий шароитга мос «Улуғбек-6» ва «Купова» навларини эккандик, – дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Атхам Усмонов. – Кўриб турганингиздек ҳосил ёмон эмас. Энг муҳими, уни сувга зориқтирмаслик. Хирмонлар донга тўладиган кўринади.*

**СУРАТДА: Атхам Усмонов пудратчи Тоир Муҳаммадов билан янги ҳосилни кўздан кечирмоқда.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## МАҲСУЛОТ — ХОРИЖГА

Кейинги пайтларда зафарободлик пахтакорлар етиштирилган пахтани ўзлари қайта ишлашмоқда. Ўтган йилги ҳосилнинг салкам 17 минг тоннаси туманда қайта ишланиб, унинг 90 фоизи хорижга жўнатилди. Франция, Италия, Австрия, АҚШ каби мамлакатлар мутахассислари толанинг сифатини яхши баҳоламоқдалар.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, пахтани қайта ишлаш жараёни зафарободликлар учун кўплаб қўшимча иш ўринлари яратмоқда.

Ўтган ойдан бошлаб жамоада иккиламчи маҳсулотдан момиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тойланаётган пахта энг аввал пахтакорларнинг ўзларига арзон нархда сотилаяпти. Цех фаолияти 3 сменада ташкил этилгач, бу ерда яна 18 нафар кишини иш билан таъминлаш имконияти туғилди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Намунага айланган ташаббус*

## РАҚОБАТ ДЕГАН ЗЎР КУЧ БОР

### у одамларни ишлашга, яшашга ўргатади

Раймқул Ҳайитқулов учун бундай қарорга келиш осон кечмади.

Баҳс ва муҳокама ариқ уватларида, дала шийпонларида ва ҳатто тўй-маъракаларда ҳам давом этди. Ниҳоят, «Ғаллакор» қишлоқ хўжалик кооперативига қарашли 1656 гектар майдон 96 нафар ишчига тақсимлаб берилди. 10 гектардан 30 гектаргача ер олиб фермерга айланганлар Ҳайитқуловни: «Бу ўзи асли мияси бутун йигит эди...» дея мақташган бўлса, баъзи хўжалик раҳбарлари-ю, от миниб ҳам оёқ остига қаровчи кишилар киноямуз илжайиб қўйишди. Бу илжайишнинг таржимаси тахминан мана бундай: «Отган тошинг мўлжалга тегса яхши-я... Бордию тегмаса бу тош нақ бошингни ёради-да...»

Тўғри, Ҳайитқуловнинг ҳам боши битта. У ҳам бошқаларга ўхшаб ўз бошига ҳуда-беҳуда тош тегишини хоҳламайди. Унда нега у таваккал қилди? Нега вилоятда биринчи бўлиб хўжаликка қарашли барча ер майдонини одамларга тақсимлаб берди?

Умрида бир кетмон урмай фермерликни орзу қилувчилар камми? Фермер бўлгач, пахта билан бегона ўтни ажратолмайдиганлар қанча. Кўкламда тоғни ваъда қилиб, кузга борганда, ҳатто давлат буюртмасини бажаролмай сичқоннинг инини фалон пулга ижарага олувчилар қанча...

Ҳайитқулов кетмончидан чиққан раҳбар. Сувчидан чиққан раҳбар. Ҳисоб-китоб илмини трактор ҳайдаб юриб ўрганган раҳбар. Ва ниҳоят сарфлаган бир сўми уч сўм олиб келмаса бир қадам ҳам ташламайдиган раҳбар.

Сўз – Раймқул Ҳайитқуловга.

– Шу десангиз, Шодиқул Бобоев ва Фармонқул Жумабоев исмли фермерларимиз ҳар йили режани дўндириб жарақ-жарақ пул ишлайди. Ҳар йили уйларига ўсимлик ёғи-ю, чорваси учун машиналаб ем-хашак туширади. Қишлоқда гап ётмайди. Ҳар қандай янгилик бир пиёла чой ичгулик вақт ичида мисоли шамолдек қишлоқнинг бир четидан кириб, нариги четидан чиқиб кетади. Уларга кимдир ҳавас қилса, кимдир ҳасад қилади. Ўзларининг турар-турмуши билан уларникини солиштириб аччиқланганлар қанча... «Раис, пахтаю пиллани, ғаллаю шолини вилоятда биринчи бўлиб биз тўлдирдик. Ўнлаб хўжаликлар чопонимизнинг этагини ҳам ушлолмай бармоқ тишлаб қолди. Илғор одам мой тишлаши керак эмас-ми? Илғор одамнинг қўли пул кўриши керак эмасми? Нега ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам фақат фермерларга чиқади? Биз эса фақат йиғим-терим пайтида пул кўрамиз, холос», дея кўпчилик масалани кўндаланг қўйди. Ўзи кўнгилда дард тўпланиб қолган экан. Одамларнинг таънаю маломати ана шу дардга тиғ бўлиб урилди. «Чекка-чеккада пичир-пичир қилган билан мурод ҳосил бўлмайди. Мард одам майдонга чиқади. Агар хўп десаларинг хўжаликнинг ҳамма майдонини сизларга бўлиб бераман», дедим. Мана шу гапдан кейин одамларнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Улар бу таклифни роса бир ой муҳокама қилишди. Кейин ўн чоғи одам олдимга ариза кўтариб келди. Булар ишнинг кўзини биладиган, эсини танигандан буён пахта оралаб оила тебратадиган кишилар эди. Эртаси куни уларнинг сафига яна ўн киши қўшилди. Бир ҳафтанинг ичида 150 нафар одамдан ариза тушди...

Ҳайитқуловнинг гапини мана шу нуқтада бўлиб, айрим маълумотларга кўз югуртирамиз. Хўжалик ўтган йили 3354 тонна ўрнига 3681 тонна пахта етиштириб режани 110 фоиз бажарди. Бунинг эвазига ёғ-экстракт заводидан 114,3 тонна пахта ёғи, 489 тонна кунжара, 391,2 тонна шелуха олиши керак эди. Аммо режани дўндириб қўйган хўжалик пахтакорлари бугунги кунгача ана шу маҳсулотнинг бешдан бирини ҳам ололмаганлиги кишини ажаблантиради. Сабаби оддий: бугунги кунда «Ғаллакор»нинг ҳисобида маблағ йўқ. Хўш, нега вилоятдаги энг пешқадам деҳқонларнинг қозони ёғсиз, чорваси эса озуқасиз қолди? Мулк ўртада бўлгач, дори, ёқилғи, эҳтиёт қисм ва сувни ким ҳам тежаб-тергаб сарфларди? Бас, шундай экан, хафа бўлсак ўзимиздан хафа бўлишимиз, нолисак ўзимиздан нолишимиз керак. Қолаверса, йиғим-терим палласи қабул пунктларидаги хурмача қилиқлар қўшимчага эшимча бўлиб тушади. Режа кетидан қувган айрим раҳбарлар хўжалик раҳбарларини сиқувга олиши кимга сир? Бу гап билан раҳбарларни бир қолипга солиш, барча деҳқонларни ёмонотлиқ қилиш ниятимиз йўқ. Аммо режа кетидан қувиб биринчи нав пахтани учинчи, иккинчи нав ҳосилни тўртинчига ўтказ, дегувчилар ҳалиҳамон орамизда бор. Уларга оддий деҳқоннинг даромади, фаровонлиги эмас, балки «Яшасин, фалон хўжалик, фалон туман биринчиларидан бўлиб режани дўндирди!» деган мақтов керак. «Сувники сувга, ўтиники ўтга, қолди қатиқнинг пули» деганларидек, ғалвир сувдан кўтарилгач, оддий пахтакор кўпинча қуруқ қўл билан қолаётганлигининг асл сабаби бизнинг назаримизда мана шулардир.

Яхши фермер, асл фермер, лўндароқ қилиб айтганда, тадбиркор фермер ҳаққини ҳеч кимга бермайди. Бундай фермер даласига сочган ўғити, ишлатган техникаси, сарфланган ёнилғиси, хулласи калом қилинган иш учун пул тўлайди, холос. Шундай бўлгач, нега унинг пичоғи мой устида бўлмасин? Нега у тўкин яшамасин? Хулоса битта: ишнинг кўзини билган одамнинг отасига ҳам, онасига ҳам раҳмат. Пахта экиб, ғалла парвариш-лаб, соҳибкорлик қилиб даромад олсину ана шу даромаддан давлатга солиқ тўлагач дўпписини қийшиқ кийиб юраверсин.

Энди яна Ҳайитқуловни эшитамиз. Қани кўрайлик, вилоятда биринчи бўлиб бутун ер майдонини одамларга улашиб берган раҳбар яна нима дер экан?

– Бизга тушган аризаларни кўриб чиқиш учун бош мутахассислар, кекса деҳқонлар, маҳалла оқсоқолларидан иборат обрўли ҳайъат туздик. Ҳар бир ариза синчиклаб муҳокама қилинди. Даъвогарларнинг неча йилдан буён хўжаликда ишлаётганлиги, билим ва тажрибаси, оиласида ишга яроқли қанча одами ва техникаси борлиги асосий мезон бўлди. Хуллас калом 150 та аризадан 86 таси ижобий жавоб олди. Қолган 9 та фермер эса хўжалигимизда аввалдан фаолият кўрсатарди. Энди яна битта мулоҳаза. Фермер бўлганларнинг айримларидан шахсан менинг кўнглим тўлмайди. Бу одамларга бир йил давомида ҳам амалий, ҳам маслаҳат тариқасида, албатта, ёрдам берамиз. Ўзларини ўнглаб кетса нур устига аъло нур, ўнглаб кетмасалар уларнинг жойига кўз тикиб турган номзодларга ўринларини бўшатиб беришади. Рақобат деган зўр куч бор. Ана шу рақобат одамларни ишлашга, яшашга ўргатади. Болачақангни яхши едириб, яхши кийдирмоқчимисан, марҳамат қилиб калланги ишлат. Жонингни жабборга бер. Керак бўлса бир кунда 24 соат ишла! Қуруқ гап билан, майда-чуйда ишлар билан ўралашма! Ҳеч ким меҳнат аталмиш оғир юкни елкасига олиб ўлганича йўқ. Шундай экан, биз кузни кутиб яшаймиз. Куздан умидимиз эса жудаям катта...

Хўш, шу кеча-кундузда хўжаликда аҳвол қандай? Ғалла баравж ўсмоқда. Мўлжал 1 июн куни ўримни бошлаш. Ўнлаб фермер хўжаликларида эса ғўза аллақачон шоналаб, иккинчи ишловдан чиқарилди. Саид Ҳайитқулов, Абдулла Қорабоев, Жўра Курбонов, Шодмонқул Ашуралиев, Маъмур Шерқўзиев сингари фермерлар ниҳолларга дастлабки сув беришни бошлаб юборишди. Уларнинг нияти ҳосилдорликни гектар ҳисобига 40-45 центнерга етказиш экан.

Хайрлашув чоғи Раймқул Ҳайитқулов бир гапни алоҳида такрорлади. «Беш-олти йил ичида 96 нафар фермернинг ярми ҳам қолмайди. Сизлар раис бу ҳолни хурсанд бўлиб такрорлаяпти, деб ўйламанглар. Бозор иқтисодиёти барибир мана шунга олиб келади. Зўрнинг зўри, деҳқоннинг деҳқони ишни давом эттиради. Ана шунда одамларимиз 30-35 центнерлик хирмон кўтариш билан кўкрак кериб юрган бугунги дамларни ажабланиб ёдга олишади. Ҳосилдорлик икки баравар ошишига менинг имоним комил. Ўн-ўн беш йилдан кейин эса салкам 2000 гектар майдонда 5-6 нафар фермер хўжалиги пайдо бўлади, деган гапимни ҳам ёдда тутинглар. Бундан ҳеч ким азият чекмайди. Ҳаммага иш топилади. Далада ишловчиларнинг тенг ярми бошқа ҳунарларнинг нонини ейди. Кимнинг ким эканлигини вақт ва меҳнат кўрсатиб беради. У саракни саракка, пучакни пучакка ажратади. Бундан фақат юрт ва мана шу юртда яшовчи одамлар бирдек манфаатдор бўлади».

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Боёвут тумани.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

***• АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт НАТОга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг 24-25 май кунлари Флоренцияда бўлиб ўтадиган учрашувида иштирок этади. Бу тадбирда альянснинг Босния ва Косоводаги амалга оширилиши керак бўлган тадбирлари муҳокама қилинади.***

***• Шимолий иттифоқ "Толибон" вакилларини икки юзга яқин ҳарбий асирни ноҳақ отиб ўлдирганликда айбламоқда. Асирлар Шибирғон, Мозори Шариф ва Самангон вилоятларидаги қамоқхоналардан чиқарилиб, мамлакат шимолига олиб борилган ва қатл этилган.***

***• Индонезия Бош прокуратураси собиқ президент Сухартога қўйилган айблар бўйича тергов ишларини давом эттирмоқда. Собиқ президент давлат хазинасидан 15 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштирганликда айбланмоқда. Бош прокурор текширувлар натижасида унинг айбларини фош этувчи аниқ далиллар борлигини ҳам маълум қилди.***

***• АҚШнинг Кубага нисбатан жорий қилган иқтисодий жазоси бекор этилганидан сўнг мамлакат сайёҳликни кенг кўламда ривожлантиришни режалаштирмоқда. Расмий маълумотларга кўра ҳозирча ушбу лойиҳанинг саксон фоизини молиялаштиришни ҳукумат ўз зиммасига олган.***

***• Сьерра- Леонедаги Буюк Британия аскарлари у ердаги жангларда иштирок этмайди. Бу ҳақда Буюк Британия мудофаа вазири мамлакат парламентига маълум қилди. Маълумотларга қараганда, Сьерра Леонедаги аҳвол кун ўтган сайин кескинлашмоқда.***

***• НАТО ҳарбий қўмитаси раиси адмирал Гуидо Вентуриони 17-19 май кунлари Украинага уюштирадиган расмий ташрифи давомида мамлакатнинг ҳарбий техникани замонавийлаштириш ва таъмирлаш корхоналари билан танишади. Бундан ташқари, ҳарбий қўмита раиси Яворивск ўқув марказида Украина ҳарбий кучларининг биринчи махсус батальони билан танишади. Ушбу батальон июл ойида тинчликни сақлаш операцияларида иштирок этиш учун Косовога киритилиши керак.***

***• Камчатка ярим ороли марказида жойлашган Милково қишлоғидан йигирма километр узоқликда икки юз эллик гектар майдонни эгаллаган ёнғин ўчоғи қайд этилди. Айни пайтда Узоқ Шарқда жами 4144 гектар майдонни эгаллаган ёнғин ўчоқлари мавжуд, дея хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.***

*Муҳокама учун мавзу*

## ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Ўзбек тилининг давлат мақоми даражасига эришганига ўн йилдан бироз ошди. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган. Шу туфайли она тилимиз кейинги йилларда анча эркин «нафас олди», давлат миқёсидаги мўътабар йиғинлар тилига айланди, расмий қоғозларда ҳам ўз жамолини кўрсатди. Хуллас, ўзбек тили катта тараққиёт йўлига тушиб олди.

Аммо, унинг шаклланиш жараёни, назаримизда, жуда суст кечаётгандай. Айниқса, имло саводхонлиги даражасида чалкашликлар жуда кўп. Республикамиз матбуоти ва телевидениесини кузатадиган бўлсангиз, ана шундай ғализликларга тез-тез дуч келасиз. Бугунги мактаб ўқувчиси, талабанинг дарсликлардан бошқа ўқийдиган китоблари кам. Улар кўпинча телевизор томоша қиладилар, газета ўқийдилар. Саводи асосан ана шу манбалар асосида шаклланади, десак адашмаган бўламиз.

Бироқ, оммавий ахборот воситаларининг аксариятидаги имловий (стилистик ва луғавий чалкашликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) хатолар бугун ҳаммамизни безовта қилиши лозим. Айниқса, х ва ҳ (лотин алифбосида бу янада яққолроқ сезилади) ҳарфлари, қаратқич ва тушум келишикларининг чалкаш ҳолда қўлланиши ёшлар ўртасида оммавий тусга айланмоқда. Баъзида нуфузли матбуот нашрларида ҳам бундай сакталиклар тез-тез учраб турибди.

Таҳририятимизга келаётган мактубларда ҳам ана шу безовталик зоҳир. Уларда айтилишича, жуда кўп ҳолларда номлар ва атамаларнинг ёзилишида ҳам икки хиллик мавжуд. Масалан, вазирлик ва бошқармалар баъзида бош ҳарф билан, гоҳо кичик ҳарфда ёзилмоқда. Бундан ташқари, баъзи газеталар «милён» деб ёзса, айрим журналларда бу сўз «миллион» тарзида баён этилади. Ёхуд «милиция»ни «мелиса», «банк»ни «банка» деб аташ ҳоллари ҳам учраб туради. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳам баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ўқувчи ўзиникини тўғри дейди, керак бўлса ўша газета ва журнални рўкач қилиб кўрсатади.

Назаримизда, ҳар бир соҳа бўйича атама ва номлар луғати устида ишлар жиддий ташкил этилиши кераккa ўхшайди. Ҳозир амалиётда бўлган ўзбек тили изоҳли луғатларини ҳам қайтадан тайёрлаб чоп этиш лозим. Негаки, давр ўзгарди, бинобарин, изоҳли луғатлардаги кўпгина сўзлар ҳам қайтадан «изоҳланиши»га зарурат пайдо бўлди. Зеро, бундай китоблар ҳар бир ўзбек хонадонида биттадан, ҳар бир кутубхонада кўп нусхада туриши зарур.

Токи, бизнинг фарзандларимиз ўзбек тилининг бойлиги-ю, ранг-баранг товланишларидан ташқари унинг мукаммаллиги ва муаззамлигидан ҳам фахрлансинлар. Зеро, биз уни бутун бисоти билан келажак авлод қўлига топширишга масъулдирмиз.

Саводхонлик маданияти, энг аввало, тилга, унинг ҳар бир элементига бўлган муносабатда билинади. Бу борада тилшунос олимлар, илмий-тадқиқот институтлари, нашриётлар биринчи галда бонг уриши керак эмасми? Зотан, бундай савобли иш учун ҳомийлар, моддий мададкорлар ҳам топилишига, шак-шубҳа йўқ.

**Э. БОЛИЕВ.**

## Олий Мажлис сессияси олдидан

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

## унда қандай кўрсаткичларга эришилди?

***Маълумки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ҳамда 2000 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги масала киритилган. Мухбиримиз Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Абдурафиқ АҲАДОВ билан ана шу хусусда суҳбатлашди.***

**— Аввал хабар қилганимиздек, Давлат бюджетининг 1999 йил ҳамда жорий йилнинг биринчи чорагидаги ижроси ҳақидаги масала қўмитангиз ва Олий Мажлис Кенгашида атрофлича муҳокама қилинди. Ва унинг ҳолати, аниқроқ айтганда, натижаси кўпчиликни қизиқтириши, табиий...**

— Албатта. Чунки у муайян даврларда бажарилган ишларнинг молиявий натижаси — кўрсаткичидир. Агар бевосита рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йилнинг натижасига кўра, Давлат бюджетининг даромад қисми қарийб 622 миллиард сўмни, бошқача айтганда, режага нисбатан 100,3 фоизни, харажатлар қисми эса 658,7 миллиард сўмни, яъни режага нисбатан 99,0 фоизни ташкил этди. Олий Мажлис томонидан 3 фоиз даражасида белгиланган Давлат бюджети тақчиллиги ҳақиқатда 1,8 фоиз бўлишига эришилди.

**— Давлат бюджетининг даромадлари хусусида аниқроқ маълумот бера олмайсизми?**

— Албатта. Ялпи ички маҳсулотга нисбатан Давлат бюджети даромадлари 30,4 фоизни, харажатлари эса 32,2 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети даромадларининг асосини ташкил этадиган солиқларга назар ташласак, 1998 йилда бевосита солиқлар умумий даромадларнинг 31,2 фоизини ташкил этган бўлса, 1999 йилда 29,4 фоизга етди. Билвосита солиқларнинг Давлат бюджети умумий даромадларидаги улуши эса ошиб, 46,1 фоизни ташкил этди.

**— Маҳаллий бюджетларчи, унинг ижроси қандай таъминланди?**

— Маҳаллий бюджет бўйича ҳам барча кўрсаткичларга эришилди. Унинг режасига нисбатан даромад қисми 102 фоиз, харажатлар қисми эса 101 фоиз ҳажмида бажарилди.

**— 1999 йил мобайнида бюджет интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қандай тадбирлар амалга оширилди?**

— Бу борада 1999 йил 11 февралда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Бюджет маблағларининг белгиланган тартибда сарфланиши, улардан мақсадсиз ҳамда ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида бюджет жараёнининг барча босқичларидаги интизом мустаҳкамланди, айниқса, жойлардаги ишлар фаоллашиб, уларнинг самарадорлиги янада ошди. Биргина давлат ва бошқарув идоралари харажатларининг камайтирилиши ва бюджет муассасаларига хизмат кўрсатувчи енгил автомобиллар паркининг 55 фоизга қисқартирилиши 3,3 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағларини тежаш имкониятини берди.

**— Сиз юқорида Давлат бюджети тақчиллиги Олий Мажлис томонидан 3 фоиз миқдорида белгиланган эди, ҳақиқатда эса 1,8 фоизни ташкил қилди, дедингиз. Бу қайси манбалар ҳисобидан қопланди?**

— Давлат бюджети тақчиллигини қоплашнинг асосий манбаси Давлат Қисқа Муддатли Облигациялари ва бошқа ноинфляцион маблағлардан ташкил топди. Биргина Давлат Қисқа Муддатли Облигациялари ҳисобидан Давлат бюджетини қоплаш ҳажми 11.75 миллиард сўмни, бошқача қилиб айтганда, ялпи ички маҳсулотнинг 0,6 фоизини ташкил этди.

**— Жорий йилнинг биринчи чорагидаги Давлат бюджети юзасидан қандай кўрсаткичларга эришилди?**

— 2000 йилнинг биринчи чорагига келсак, Давлат бюджетининг даромадлар қисми 166.1 миллиард сўмни, харажатлар қисми эса 157.7 миллиард сўмни ташкил этди. Эътибор беринг, даромадлар қисми харажатлар қисмига нисбатан катта. Яъни биз биринчи чоракда Давлат бюджетининг тақчилликсиз ижро этилишига эришдик. Таркибий тузилиши бўйича қарайдиган бўлсак, бюджет даромадларининг асосини ташкил этувчи қўшилган қиймат солиғи қарийб 40.4 миллиард сўмни, акциз солиғи эса 37 миллиард сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврида улардан келиб тушган даромадларга нисбатан 2 фоиз кўпроқдир. Маҳаллий бюджетлардан эса режалаштирилган 73.0 миллиард сўм ўрнига 79.9 миллиард сўм даромад келиб тушди. Харажатлар борасида асосий эътибор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилди. Шунинг учун ҳам ижтимоий харажатлар жами 85 миллиард сўмни, бошқача қилиб айтганда, жами харажатларнинг 54 фоизини ташкил этди. Бундан ташқари маҳаллий бюджетларга ёрдам тариқасида 14,5 миллиард сўм субвенция ажратилди. Инвестицияларни молиялаштириш борасида ҳам биринчи чоракда сезиларли силжишларга эришилди ва унинг ҳажми 26 миллиард сўмни ташкил этди.

**— Солиқ маданиятини ошириш керак деганда, Сизнингча асосан нималар назарда тутилади?**

— Бу аввалambor солиқларни ўз вақтида тўлаш демакдир. Ўзингизга маълум, биз ҳали ривожланган мамлакатлардагидек солиқларнинг ўз вақтида тўланиши даражасига етганимиз йўқ. Масалан, солиқ идоралари маълумоти бўйича, текширишлар сони ўтган йилга нисбатан 27 фоиз камайганига қарамай, жисмоний шахслар томонидан 23.5 миллиард сўмлик солиқ маблағлари яшириб қолинган. 62652 та жисмоний шахсга эса 700 миллион сўмлик жарима солинган. Шунинг ўзи ҳам солиқ маданияти даражасини кўрсатади. Бизнинг бу борадаги асосий вазифамиз — солиқларни ўз вақтида тўлашни аста-секин одат тусига айланишига эришишдир.

**— Ўтган қўмита йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йилдаги фаолияти ҳам муҳокама қилинганди. Ушбу масала Олий Мажлис Кенгашида ҳам кўрилди ва унинг қарори сессия муҳокамасига тақдим этилди. Марказий банк кўрсатган ёки эришган натижалар хусусида қандай фикр ёки хулосаларингиз бор?**

— Марказий банк фаолиятига келсак, ўтган давр мобайнида ҳам қатъий пул-кредит сиёсати олиб борилди. Унинг натижасида инфляция даражасининг йилига 25,8 фоизни, ойига эса ўртача 1,9 фоизни ташкил этишига, муомалага нақд пул чиқариш ҳажмининг 2,6 фоизга камайишига эришилди. Банк тизимини ривожлантириш борасида сармояларни бирлаштириш, кредит бериш имкониятларини кенгайтиришнинг синовдан ўтган усули — банкларнинг ўзаро ихтиёрий бирлашуви жорий этилди. Натижада тижорат банкларининг сармояси 1999 йилда қарийб 50 фоиз ошган бўлса 2000 йил бошида 144 миллиард сўмни ташкил этди. Йил давомида олиб борилган ишлар натижасида республикамизда фаолият кўрсатаётган банкларнинг халқаро молия бозоридаги нуфузи янада ошди. Қўшма банкларнинг устав капиталларида хорижий сармоялар миқдори 24 миллион АҚШ долларига етди. 1999 йил давомида валюта бозорида сотилган валютанинг умумий миқдори 1.6 миллиард АҚШ долларидан ошди. Фуқароларнинг чет эл валютасида очган ҳисоб рақамлари сони ҳам 1998 йилга нисбатан 27 фоизга ўсди. Тижорат банклари акциядорлари сони таркибий жиҳатдан ўтган даврда 66.8 мингдан 82.3 мингтага етди. Айни пайтда 11 та хусусий банк фаолият юритаяпти. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳали ҳамма банкларимиз ҳам ҳозирги замон талабларига тўла жавоб бера оладиган даражага эришгани йўқ. Бу эса банк тизимини янада эркинлаштириш ҳамда ислоҳ қилишни чуқурлаштириш борасида ҳали талай ишларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

**«Халқ сўзи» мухбири Исмат ХУДОЁРОВ суҳбатлашди.**

## АЁЛ ВА ЭКОЛОГИЯ

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани "Оқибат" маҳалласида ёш авлодни тарбиялашда аёллар ролини ошириш, ёшларнинг экологик билимини чуқурлаштириш мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Бу "Экосан" халқаро жамғармасининг "Аёл ва экология" деб номланган янги дастурини амалга оширишда дастлабки қадамдир. Учрашувда маҳаллий ҳокимият, фуқаролар йиғинлари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, маҳалла хотин-қизлар кенгашлари раҳбарлари, эколог ва шифокорлар иштирок этди.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова бугунги кунда "Соғлом авлод" давлат дастурини амалга оширишда мамлакатнинг кўплаб жамоатчилик ташкилотлари иштирок этаётганини таъкидлади. Бунда аёллар ва болаларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, учрашувда атроф-муҳит муҳофазасига аҳолини, айниқса аёлларни кенгроқ жалб этишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Бу борадаги ишлар оилаларда, болалар боғчаларида, мактаб ва маҳаллаларда ўтказилиши лозим. Замонавий экологик дунёқарашни шакллантириш билан жойлардаги хотин-қизлар кенгашлари, "Экосан" жамғармаси ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда ташкил этган ташвиқот-тарғибот гуруҳлари ҳам шуғулланиши лозим.

Пойтахтнинг бошқа турар-жой мавзеларидаги бир қанча маҳаллаларда ҳам шундай учрашувлар ўтказилди ва бундан буён республиканинг бошқа жойларида анъанавий тусда ўтказиб борилади.

"Экосан" жамғармасининг янги дастури республиканинг бир қанча жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган "Маънавият, экология ва саломатлик" дастурининг бир қисмига айланди. Бу дастур ёшларнинг ахлоқий ва маънавий тарбиясини такомиллаштириш, мамлакат аҳолисининг экологик маданиятини оширишга қаратилган. Дастурни амалга ошириш учун экология, санитария ва гигиена, тиббиётга оид билимларни тарғибот қилувчи, аҳолини табиатни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти билан таништириб борувчи махсус гуруҳлар ташкил этилган.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



## Эркинлаштириш — ҳаётий зарурат

### «ҚАРШИТЕРМОПЛАСТ»:
# ЧЕТ ЭЛ САРМОЯСИ НИМА УЧУН КЕРАК?

Бу саволимизга «Қаршитермопласт» директори Ойбек Эгамов бундай деб жавоб берди:

— Шунинг учунки, Шўртан газкимё мажмуи хомашёси — полиэтиленни қайта ишлаш, газ ва сув, канализация ҳамда иссиқлик тармоқлари учун зарур бўлган турли ҳажмдаги қувурларни ишлаб чиқаришимиз зарур.

Бу завод 1988 йили ишга туширилган бўлиб, ўрта босимли полиэтилен ва поливинилхлориддан ёпиқ горизонтал дренаж қувурлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. У Германиянинг «Баттенфальд», «Метен», «ИТП» фирмалари дастгоҳлари билан жиҳозланган. Зарур хомашё (поливинилхлориднинг С-63 ва С-70 маркали смоласи) эса Германия, Россия ва бошқа давлатлардан келтирилган.

1991 йилдан бошлаб завод маҳсулотига (дренаж қувурларига) талаб кескин камайиб, четдан хомашё келтириш қийинлашгач, 1995 йилдан бошлаб у фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Унинг бошқа ташкилотлар олдидаги қарзи 38 миллион сўмга етиб қолганди. Натижада хўжалик суди қарори билан заводга тегишли мулк «музлатиб» қўйилди.

Ана шундай ҳолатда, яъни 1998 йил 17 февралга келиб, заводга Ойбек Эгамов директор этиб тайинлангач, ўрта босимли полиэтилен ва поливинилхлориддан газ ва водопровод қувурлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Миллий банкдан 3 миллион сўм қарз олиниб, «Баир» хусусий фирмаси орқали Ставрополь, Қозон, Стерлитамакдан арзон нархда хомашё келтиришга эришилди. Бунда, айниқса, Ойбек Эгамовнинг Нью-Йорк «Ғарб-Шарқ» ассоциациясида бизнесни такомиллаштириш бўйича малака оширганлиги, «Қаршиинсавдо»даги иш тажрибаси қўл келганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Ҳар қалай, шу тариқа қувурлардан ташқари безакли ва учбурчак рейкалар, плинтус, канистрлар, турли ҳажмдаги полиэтилен халталар, плёнкалар тайёрлана бошланди. Агар буюртма бўлса, ҳар йили қарийб 1000 тонна полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Хомашё эса Навоий кон-металлургия комбинатидан келтирилмоқда. Мабодо завод Шўртан газ-кимё мажмуи тизимига киритилса, йилига 5000 тонна полиэтиленни қайта ишлаш имконияти пайдо бўлиши муқаррар.

Мана шундай саъй-ҳаракатлар эвазига заводда 1998 йили 23 миллион сўмлик, ўтган йили 32,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аста-секин қарзлар узила бошланди. Оз бўлса-да фойда ҳам кўрилаяпти. 2000 йил 1 январ ҳолатига кўра, фойда 2,1 миллион сўмни ташкил этди. Энг асосийси заводнинг «музлатиб» қўйилган мулки ўзига қайтарилди. Бунинг самараси шуки,биргина шу йилнинг ўтган 4 ойи ичида 21 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 189 фоиз кўп, демакдир.

— Демак, шу билан қаноатланиш мумкин экан-да?

— Асло, — кескин жавоб берди Ойбек Эгамов, — бу бизни сира ям қаноатлантирмайди. Ахир Президентимиз олдимизга қандай талаблар қўймоқда? Иқтисодиётни эркинлаштириш, шу орқали самарадорликни оширишга эришиш асосий вазифамизми? Демак,пластмасса дренаж қувурларига эҳтиёж борми? Бор. Бу — биринчиси. Иккинчидан, заводимиздаги ноёб жиҳозлар, асбоб-ускуналар чет элдан валютага олиб келинган. Уларни сақлаб қолиш керакми? Керак. Бироқ бунинг уддасидан чиқишимиз қийин бўлаяпти. Чунки молиявий қарз ва жарималар оёғимизга тушов бўлаяпти, елкамиздан зил-замбил бўлиб босиб турибди. Қарз ва жарималар қаердан пайдо бўлаяпти, дейсизми? Биз заводнинг бор-йўғи 20 фоиз қувватидан фойдаланаётирмиз. Қолгани ишлатилмасдан турибди. Тургани учун ҳам тўлов тўланадими? Тўланади. Тўланганда ҳам... Нимасини айтасиз? Шунинг учун сира ўзимизни ўнглай олмаяпмиз-да.

Мурожаатимиздан кейин 1997 йил 4 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг 11-48-85-сонли фармойиши чиқди. Бу Фармойишда заводдаги ускуна ва жиҳозларнинг бир қисмини консервация қилишга рухсат этилганди. Бироқ Давлат солиқ қўмитаси рўйхатда бино ва иншоотлар йўқ, деб эътироз билдирди. 1997 йил 30 сентябрда Вазирлар Маҳкамаси иккинчи марта Давлат солиқ қўмитасига, Молия, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларига ушбу масалани кўриб чиқиш ҳамда таклиф киритишни топширди. Улар таклифга розилик билдиришди-ю, иш шу билан тўхтади. Икки йилдан бери на консервация қилинади, на ускуна ва жиҳозларни ёруқсизга чиқара оламиз.

Ана шунақа гаплар. Куйиб кетасан, киши. Бунинг устига, лойиҳалаш институтлари, капитал қурилиш ташкилотлари ҳали-ҳануз ўрта босимли полиэтилендан тайёрланаётган газ ва водопровод қувурлари аҳамиятини тушуниб етмаётирлар. Ваҳоланки, жаҳондаги ривожланган мамлакатларда газ ва водопровод, иссиқлик узатиш тармоқларида ана шундай қувурлардан фойдаланиш урфга кирганига анча бўлди. Тушунсалар-да, нописандлик қилмоқдалар. Нега бундай деяпман? Ҳалига қадар лойиҳаларда темир қувурлар кўрсатилмоқда. Қурилиш ташкилотлари ҳам темир қувурларни афзал билишади. Негаки, бир километр шундай қувур ётқизилса, фалон пул туради. Полиэтилен қувурлар эса арзон, қулай, чидамли. Муддати — 75 йил. Тўғри, вилоятимиздаги «Оби ҳаёт» акционерлик жамияти, Қарши уйсозлик комбинати, «Саноатуйжойқурилиш», «Қаршимонтаж» каби қурилиш ташкилотлари маҳсулотимизнинг афзаллигига ишонишди ва доимий ҳамкорларимизга айланишди. Аммо бу кам. Агарда бизнинг маҳсулотимиз аҳамияти тушуниб етилганда эди, аллақачон вилоятни газлаштириб, ичимлик суви билан тўла таъминлаш мумкин бўларди.

Директорнинг куйинганича бор. Айримлар ушбу қувурларга сертификат ҳам сўрашади. Ваҳоланки, қувурлар ГОСТ ва ТУ андозалари асосида тайёрланмоқда. Бинобарин, сертификат шарт эмас. Аммо Ойбек Эгамов қувурлар ичимлик сув учун ҳам, газ учун ҳам яроқли, деган ҳужжат олди. «Ўздавлатстандарт»дан рўйхатдан ҳам ўтказди.

Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳати шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 сентябрдаги 375-сонли қарорига мувофиқ «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда 1999 йил 24 июлда «Чет эл сармоясини жалб этган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш» дастури ишлаб чиқилганди. «Қаршитермопласт» заводини техник қайта қуроллантириш ана шу дастурга киритилган бўлиб, унга марказлашган манбадан 300 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш кўзда тутилган эди.

Шунингдек, завод раҳбарияти Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишган ҳолда, ОАО «ЎзНИПИнефтгаз», АООТ «Озиқ-овқатсаноат-лойиҳа» билан ҳамкорликда бизнес-режа тайёрлаган. Унда ҳар йили Шўртан газ-кимё мажмуининг 16 минг тонна полиэтиленни қайта ишлаши режалаштирилган. Шу асосда Германиянинг «Эрмафа», «Миннесман Демаг-Плассервис» компаниясининг «Баттенфельд экструдистехник» фирмалари билан шартнома тузилган. Бундан келиб чиқадики, «Қаршитермопласт» заводи Шўртан газ-кимё мажмуи тизимига киритилиши керак. Шунда у хомашёни қабул қилиб маҳсулот ишлаб чиқариш, уни экспорт қилиш имкониятига эга бўлади. Афсуслар бўлсинки, бу масала ҳам ҳал этилгани йўқ.

— Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кўплаб чет эл фирмалари қўшма корхона қуриш, инвестиция киритишни жуда-жуда хоҳлашади, — дейди Ойбек Эгамов.

«Қаршитермопласт»заводи Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 4 декабрдаги 448-сонли қарорига кўра давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан хусусийлаштириш амалга ошириладиган корхоналар рўйхатига киритилмаган. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига кўра, мулк шаклини ўзгартириш учун унинг юқори ташкилоти розилиги кифоя. Бироқ ана шу розиликни олиш эса қийин бўлмоқда. Ҳозирча «Қаршитермопласт» заводи САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарайди. Бирлашма эса Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ихтиёрида. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи муовини А.Жалиловнинг фикрича, «Қаршитермопласт» заводининг қайта жиҳозланиши ва Шўртан газ-кимё мажмуи ишга туширилиши яқинлашиши сабабли арзон полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришга имконият яратилади. Шу боис харидорлар (шахслар ва идоралар)нинг заводга бўлган қизиқишлари кескин ортди ва ортмоқда. Демак, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, заводни унинг қўлида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Энди ўзингиз ўйланг: шу тўғрими? Ахир, бу манфаатни тор доирада тушуниш, қолаверса, қонунга қарши бориш эмасми?

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида бу масалага алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: «Идоравий меъёрий ҳужжатлар, низом ва кўрсатмаларни амалдаги қонунчиликдан устун кўриш, ҳатто уларга қарама-қарши қўйиш, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларини чеклаш ҳоллари қачон барҳам топади? Бундай бемазагарчиликларга қачонгача тоқат қиламиз?» Қолаверса, биронта чет эллик сармоядор мамлакатимиздан инвестиция киритиш учун аниқ таклифлар олмасдан, ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетмаслиги зарур.

Мана, кўраяпсизми, «Қаршитермопласт» заводини акционерлик жамиятига айлантириш нима учун зарур? Нега заводга чет эл сармоясини жалб қилиш керак? Бундан нафақат завод директори Ойбек Эгамов ёки завод жамоаси, балки Қашқадарё вилояти, қолаверса, бутун республикамиз манфаатдор бўлади-ку? Ахир, бугунни эмас, эртани кўзлаб, мамлакатни ўйлаб иш тутишимиз зарурлигини унутмайлик-да...

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ШАРОИТ СОЗ БЎЛГАЧ...

*Наманган туманидаги «Зарбдор» жамоа хўжалигида бу йилги дала ишлари кўтаринки руҳда бошланди. Эрта баҳорданоқ меҳнаткашларнинг ишдан сўнг яхши дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар яратилган. Айниқса, дала шийпонлари чинакам маънода деҳқоннинг иккинчи уйига айлангани иш унумини таъминламоқда. Эртаги карам, картошка, помидору бодрингдан тортиб, сут-қатиқ ҳатто тухумгача шийпоннинг ўзида етиштирилади. Хўжаликдаги мавжуд 14 та дала шийпонининг ҳаммасида меҳнаткашлар учун бепул иссиқ овқат ташкил этилган.*

*Айни пайтда жамоа хўжалиги меҳнаткашлари 444 гектар ердаги пахтанинг ҳар бир гектаридан 40 центнердан, 410 гектардаги ғалладан эса 60 центнердан ошириб ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Шунингдек, хўжаликда эртаки картошка, карам, пиёз каби сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.*



**СУРАТЛАРДА: 4-бригада бошлиғи Абдурашид Мирзабоев, хўжалик раҳбари Мухторжон Ҳайдаров картошка пайкалида; бригада ошпази Маҳмуджон Муҳиддинов.**

**Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.**

## НЕМИС БАНКИРЛАРИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга Коммерцбанк бошқаруви аъзоси Андреас де Мезьер бошчилигидаги банк делегацияси расмий ташриф буюрди.Немис банкирлари республикадаги бир қанча вазирлик ва идоралар,тижорат банклари раҳбарлари билан учрашди. Бу учрашувларда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини янада жадаллаштириш истиқболлари, мамлакатимиз банк тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи З.Мирхўжаев билан ўтказилган музокараларда Ўзбекистон молия-банк соҳасини ислоҳ қилиш, қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг аҳволи, Коммерцбанкнинг хусусийлаштириш масалаларига доир консалтинг фаолияти, банк кадрларини тайёрлашдаги ҳамкорлик, шунингдек, ҳар икки молия институти ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар жараёнида 50 миллион евро қийматига тенг рамкали қарз битими имзоланди. Бу маблағ лойиҳавий молиялаштириш соҳасидаги банклараро ҳамкорликни фаоллаштиришга йўналтирилади. Битимда Германиянинг Гермес давлат суғурта жамияти қоплаган шартномалар қийматининг 85 фоизини молиялаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари Миллий банк ва Коммерцбанк ўртасида тузилган яна бир битимга мувофиқ Миллий банк Коммерцбанкнинг тақдим этувчига тўланадиган чекларини сотади.

**ЎзА**

### ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

## АЙБДОР БЎЛГАН ТАҚДИРДАГИНА...

**— Кичик корхонамда маҳсулот ишлаб чиқараман. Ускуналар электр билан ишлаши туфайли энергия таъминоти корхонаси билан шартнома тузганман. Демоқчиманки, энергия узилиши рўй берса, у корхона жавобгар бўладими?**

**Ҳ. МАРДИЕВ,**
**Чилонзор тумани.**

— Фуқаролик кодексининг 477-моддасида кўрсатилганидек, энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар тўлиқ ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот ёки абонент шу туфайли етказилган ҳақиқий зарарни қоплаши шарт.

Энергия беришдаги узилишлар қувват ва энергия етишмаслиги сабабли таъминловчи томонидан қонун ҳужжатлари асосида истеъмолни тартибга солиш натижасида ҳам юз бериши мумкин. Айтиш керакки, энергия билан таъминловчи ташкилот айбдор бўлган тақдирдагина шартнома мажбуриятларини бажармагани ёки тегишли даражада уддаламагани учун жавоб беради.

* * *

**— Деҳқон-фермер хўжалигим билан жамоа хўжалиги ўртасида контрактация шартномасини тузганмиз. Мени қизиқтираётгани шуки, ана шу шартномани ўзгартирадиган бўлсак, у қандай тартибда амалга оширилади.**

**Ҳ.АЛИМҚУЛОВ,**
**Булунғур тумани.**

— Шартномани бажаришни бир томонлама рад этишга ва унинг шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шартномани бекор қилиш ва унинг шартларини ўзгартириш тўғрисида таклиф олган томон (хўжалик ёки тайёрловчи) таклиф олингандан кейин беш кундан кечикмай жавоб беришга мажбурдир.

Агар томон ана шу беш кун мобайнида жавоб бермаса, таклиф қабул қилинган деб ҳисобланади.

Томонлар шартномани бекор қилиш ёки унинг шартларини ўзгартириш тўғрисида бир қарорга келмасалар, томонлар ўртасидаги низо ҳал этиш учун белгиланган тартибда хўжалик судига берилади.

* * *

**— Сабабларга кўра айрим кишиларга маъмурий қамоқ жазоси қўлланади. Мана шундай жазо қўлланиши мумкин бўлмаганлар қаторига кимлар киради?**

**Ш.ҒАНИЕВ,**
**Юнусобод тумани.**

— Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган ёшларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланиши мумкин эмас.

**Эркин МАВЛОНОВ тайёрлади.**

Озод ва обод Ватан учун



# ЧЎЛЛАР – ЮРТ БОЙЛИГИ

Чўл деганда инсонлар одатда жазирама иссиқ, сувсиз, тирик мавжудотларнинг яшаши қийин бўлган бепоён майдонларни тасаввур қиладилар. Тўғри, чўллар ҳудуд сифатида ўзига хос, бетакрор табиий хусусиятлар ва қатор ноқулайликларга эга. Лекин «Чўл» деб аталган географик тушунча чўлларнинг асл моҳиятини, уларнинг инсон ҳаёти ва жамият олдидаги аҳамиятини тўлиқ акс эттиролмайди. Чўллар ўз моҳияти билан чўл эмас, балки табиий бойликлар масканидир. Бугунги кунда унинг бағрида ётган олтин, уран, нефт, газ каби қимматбаҳо маъданлар иқтисодиёт пойдеворлари бўлаётганлигини инобатга олсак, чўлларни чин маънода «хазина сандиғи» деса бўлади.

Чўл ва чала чўллар Марказий Осиё ҳудудининг катта қисмини эгаллайди. Жумладан, Қозоғистонда уларнинг майдони 175, Туркманистонда 45, Тожикистонда 10, Қирғизистонда 9 млн. гектарга тенг. Ўзбекистонда чўл ва чала чўллар кўлами 35 млн. гектарга етади. Таннархи жиҳатдан арзон ва нодир бўлган қоракўлчилик ва туячилик маҳсулотлари чўлнинг инъомидир. Бугунги кунда республикамизда қазиб олинаётган нефт ва газнинг 100 фоизи, олтиннинг асосий қисми шу ҳудудга тўғри келади. Бундан ташқари фосфарит, бентонит, гипс, оҳактош каби ашёларчи? Хуллас, чўл нефт-газ саноати, қурилиш, ирригация-мелиорация, ижтимоий инфратузилмалар бунёд этилаётган майдонга айланган. Минг афсуски, собиқ шўро тузуми шароитида чўлларнинг биологик қуввати, ундаги биологик хилма-хиллик ва экологик вазият тобора пасайиб борди. Буни миллий кулфат тусини олган Орол, Оролбўйи муаммоси мисолида қайд қилиш кифоя. «Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар» - деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида» номли китобида.

Президентимизнинг огоҳлантиришида жиддий асос бор. Чўл ҳудудларида бир вақтнинг ўзида қарама-қарши икки жараённи кузатиш мумкин. Яъни, бир жойда сув босиш, ботқоқлашиш, намиқиш, иккиламчи шўрланиш рўй бераётган бўлса, иккинчи бир жойда яйловларнинг яланглашуви, камбағаллашуви, кўчма қумлар майдонларининг кўпайиши рўй бермоқда. Шамол эррозияси, чўл атмосфераси, ер усти ва ер ости сувлари таркибининг ифлосланиб бораётганлиги, ўсимлик-ҳайвонот дунёсининг салмоғи ва турлари, табиий геотизимлар майдонининг камайиб бораётганлиги, аҳолининг юқумли касалликларга чалиниш хавфи ортаётганлиги ҳақиқатдир. Ҳозирги кунда чўлларнинг камбағаллашувига сабаб бўлаётган омиллар рўйхатга олинган. Унинг 13 фоизини табиатда рўй берадиган офат, жараёнлар ташкил қилса, 87 фоизи инсонларнинг уқувсизлиги, лоқайдлиги, хўжалик ишларида йўл қўйилаётган камчиликлар туфайлидир.

Биз, аввало суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни ўйлашимиз керак. Мирзачўл, Қуйи Амударё, Бухоро-Қоракўл, Қарши воҳалари атрофидаги чўллар ўрнида кейинги йилларда сон-саноқсиз ташлама кўллар пайдо бўлганлиги экология ва иқтисодий жиҳатдан тўғрими? Чўлшунос олимлар томонидан билдирилаётган муносабат, тавсиялар амалиётга етиб бораяптими? Хуллас, ҳозирги кунда чўлларга табиатнинг ноёб ва нодир инъоми сифатида қаралаяптими? Хўжасизлик, илмсизлик, эгасизлик, экологик маданиятнинг пастлиги — чўлларнинг камбағаллашувига асосий сабаб бўлмоқда. Бухоро вилояти ҳудуди мисолида оладиган бўлсак, «Ўздаверлойиҳа» институти маълумотларига кўра, кейинги йилларда Ғиждувон туманининг бир қисм яйловларида ҳосилдорлик 30-40 фоизга, Қоракўл, Пешку, Ромитан туманларида эса 20-30 фоизга камайган.

Чўл ландшафтларини давлат қўриғи остига олиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Бухоро вилояти ҳудудида тўлиқ мақомга эга бўлган давлат қўриқхонаси ташкил қилинса, айни муддао бўларди. Ҳолбуки, халқаро тавсияларга кўра, биохилма-хилликни сақлаш ва муҳим экологик жараёнлар тартибини (режимини) таъминлаш учун ажратилган майдонлар мамлакатлар ҳудудининг 10 фоизини ташкил қилиши керак. Ҳозирги кунда эса, бизнинг республикамиз бўйича бу кўрсаткич 4,6 фоизга тенг бўлса, чўл зонасида бу масканлар улуши икки фоизга ҳам етмайди.

Афсуслар бўлсинки, чўллашув жараёни дунёдаги барча чўлларга хуруж қилмоқда. Бу борада БМТ ташаббуси билан 1977 йилда Африкадаги Найроби шаҳрида халқаро анжуман ўтказилиб, чўллашувнинг иқтисодий, экологик, ижтимоий зарарлари муҳокама этилди ва умумжаҳон муаммоларидан бири эканлиги қайд қилинди. 100 мамлакат, 50 дан ортиқ халқаро ташкилотлардан келган 1500 дан ортиқ вакиллар **«Чўллашувга қарши курашнинг Халқаро дастури»**ни қабул қилдилар. Аммо ушбу дастурни бажариш борасида олиб борилган ишлар кўнгилдагидек самара бермаяпти. Натижада, бу масала 1994 йилда Париж шаҳрида қайта кўрилиб, «БМТнинг чўллашувга қарши кураш Конвенцияси» қабул қилинди. Бу халқаро дастурни бажаришни, 100 дан ортиқ мамлакатлар қатори Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз зиммасига олди (13.Х.1995 й.). Эндиликда жаҳон халқлари олдидаги чўллашувга қарши кураш борасидаги бурчимиз ҳамда мамлакатимизда ўз ечимини кутаётган экологик муаммолар чўл ҳудудига бўлган муносабатларни тубдан ўзгартиришни тақозо қилади.

Чўллашув жараёнини мўътадиллаштириш, бартараф қилиш — чўл муаммоларининг бир йўналишидир. Шу билан бир қаторда, чўл зонасидаги маҳаллий сув, минерал хомашё, тупроқ, ўсимлик (айниқса доривор ўсимликларни) ва ҳайвонот дунёси бойликларини ўрганиш, тугамайдиган қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш, саноат, гидротехник, уй-жой қурилиши, иқтисодиёт, чўл ва инсон муносабатларини геоэкологик нуқтаи назардан ўрганиш ва уларни яқин ва узоқ келажак учун башоратлаш каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Ҳозирги давргача Ўзбекистон ФА тармоқ институтларида, Олий таълим тизимидаги кафедра ва илмий марказларда бу муаммоларга бағишланган, арзигулик ишлар қилинган бўлса-да, лекин улар марказлаштирилган эмас. Ҳамда уларни ҳозирги кун талабига жавоб беради, деб бўлмайди. Шу боисдан бўлса керак, кўпгина илмий тавсиялар амалиётда ўз самарасини топаётгани йўқ. Бугунги кунда чўллар соҳасидаги илмий салоҳиятни устувор йўналишларга жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида алоҳида илмий марказми, институтми ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлса керак. У чўлларга тегишли барча муаммолар билан шуғулланиши лозим. Табиатдан фойдаланиш жараёни мажмуали, кўп қиррали экан, унинг илмий асосларини ишлаб чиқишда ҳам худди шундай мажмуали ёндашув бўлиши керак.

**К.МУҚИМОВ,**
**Бухоро Давлат университети ректори.**
**И.НАЗАРОВ,**
**география фанлари номзоди.**

## МЕҲНАТГА ЯРАША ДАРОМАД

– Бизларга кўрсатилаётган эътибор туфайли бўлса керак, кучимга куч қўшилгандай бўлиб ишим юришиб кетди, – дейди Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги «Қатағон» фермер хўжалиги раҳбари Бекназар Муқимов.

Фермерликни аслида чидаганга чиқарган. Хўжалик шу даражага етиши учун Бекназар озмунча қийинчиликларни енгиб ўтишига тўғри келдими? Муҳими, барча машаққатлар ортда қолди. Ютуқлардан қувонадиган, меҳнатнинг роҳатини кўрадиган кунлар бошланди. 1999 йили бу фермер хўжалиги 64 гектар майдонда ғўза парваришлаб, 201 тонна ўрнига 252 тонна пахта етиштирди. Режа 125 фоизга бажарилди. 54 гектар ердан 200 тонна ўрнига 207 тонна ғалла ҳосили олиниб, режа 103 фоизга уддаланди. Шу ҳисобдан 12 миллион сўм даромад қилинди.

Бугун фермер хўжалигини янада ривожлантириш учун етарли имконият бор. Юксалиш сари дадил қадам қўйган жамоа қисқа вақтда ўзига техника парки, маъмурий бино қуриб олди.

– Ниятимиз холис, 2 гектар боғ яратиш ва қўшимча ишчи ўринлари барпо этиб, гилам цехи очишни мўлжаллаганмиз, – деди пировардида Б. Муқимов.

**«Туркистон-пресс»**



## ЧОРВАДОРНИНГ РЎЗҒОРИ БУТ

*Мулк хилма-хиллиги шароитида ишлаб чиқариш кўлами сезиларли кенгайиб бораётир. Тадбиркор ва ишбилармонларнинг изланишлари туфайли кенг истеъмол буюмлари, гўшт, сут, қандолатчилик маҳсулотлари кўпайиб бораяпти. Янги иш ўринлари очилмоқда.*

*Фурқат туманидаги «Ал-Мансур» хусусий фирмаси тадбиркорлари ҳам ўз меҳнатлари билан эл-юрт дастурхонини тўкин қилишга муносиб ҳисса қўшишяпти. Хўжаликда қорамоллар бош сонини кўпайтириб, маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Чорвадорлар соғин сигирларнинг ҳар биридан кунига 9-10 литрдан сут соғиб олишаяпти.*

**СУРАТДА:** илғор чорвадор Ҳаётжон Жўраев.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

## МЎЛЖАЛ – 22 ИШ КУНИ

Наманган тумани ғаллазорларида ҳосил ҳар қачонгидан барвақт етиляпти. Тармоқ меҳнатчилари 5516 гектар майдондаги экинни парваришлашда кейинги йилларда орттирилган тажрибадан оқилона фойдаландилар. Айниқса, занг касаллигининг олдини олиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар ўз самарасини кўрсатди. Маҳаллий ва маданий ўғитнинг етарли берилганлиги бошоқлар тўлишини тезлаштирди. Бугун ғаллазорларда бўлган кишининг баҳри-дили очилади. Мутахассислар ҳар гектар майдонда камида 60 центнердан дон борлигини аниқлашди.

Шунингдек, улар ўрим-йиғим мавсумига ҳозирликни қисқа фурсатда ниҳоясладилар. 36 та комбайн шу жумладан, 6 та «Кэйс» ҳар томонлама синовдан ўтказилиб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди. Дон қабулгоҳлари, ташиш воситалари ҳам шай.

Туман ғаллакорлари бултур давлатга дон топшириш бўйича шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб уддалаб, «Дамас» автомашинасини мукофотга олишганди. Бу йилги мақсад ҳам ундан қолишмайди. Хўжаликлар, комбайнчи ва пудратчилар ўртасидаги мусобақа шартлари тайин. Биринчи бўлиб маррага етиб келган хўжалик видеоиккилик олади. Кейингиларга эса телевизор ҳамда гиламлар берилади. Наманганликлар янги мавсумни қисқа фурсат – 22 иш кунида тугаллашни мўлжаллаб туришибди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири,***
**Феруза АҲМЕДОВА.**




**RESOURCE CENTER MANAGER JOB ANNOUNCEMENT**

Ustoz Foundation and the Open Society Institute are seeking for dynamic, motivated and experienced candidates for the positions of Program Administrators for "Education Resource Centers" joint project.The positions are based in Samarkand, Fergana and Nukus.

"Education Resource Centers" are initiated to support the development of Social Sciences and Humanities with an emphasis on teacher development and information dissemination.Resource Centers serve to provide resources for research and teaching in Social Sciences.

***JOB PROFILE***
***Position Description***
Resource Center Manager, full-time, Samarkand, Nukus, Fergana

**Eligible candidates should have skills and experience in:**
- *NGO and Financial Management, including planning, budgeting, procurement, auditing and transparency policy*
- *Human Resource Management*
- *Organizational Development & Planning*
- *Fundraising*

Resource Center Managers are expected to perform staffing and operation responsibilities.They are also expected to develop long-term organizational planning. RC Managers will be offered professional development training.

**Applicants should:**
- *Have three years of relevant professional experience. Have excellent management skills*
- *Be able to perform coordination and administration roles*
- *Excellent verbal and written English*
- *Have experience of working with development projects*
- *Computer Literacy*
- *Be willing to travel and teamwork*

**Please send or fax your CV and a cover letter to:**

**Open Society Institute, 31 Zarbog Street, Tashkent 700031,**
**fax: (371) 1206854; 1522741**
**or Ustoz Foundation, 45 Uzbekistanskaya Street, Tashkent 700000,**
**fax: (371) 1326016**

2884

**PROGRAM ADMINISTRATOR JOB ANNOUNCEMENT**

Ustoz Foundation and the Open Society Institute are seeking for dynamic, motivated and experienced candidates for the positions of Program Administrators for "Education Resource Centers" joint project.The positions are based in Samarkand, Fergana and Nukus,

"Education Resource Centers" are initiated to support the development of Soçial Sciences and Humanities with an emphasis on teacher development and information dissemination.Resource Centers serve to provide resources for research and teaching in Social Sciences.

***JOB PROFILE***

***Position Description***
Program Administrator, Philosophy Specialist, part-time, Samarkand, Nukus, Fergana
Program Administrator, Sociology Specialist, part-time, Samarkand, Nukus, Fergana
Program Administrator, Economics and Political Science Specialist, part-time, Samarkand, Nukus, Fergana

**Eligible applicants should have experience and skills in:**
- *Project management - design; planning, implementation and evaluation*
- *Financial planning*
- *Program development planning*
- *Fundraising*
- *Database and data collection*

Program Administrators are expected to develop long-term program development plans, organize training seminars and conferences, and conduct needs assessment in the areas of Social Sciences and Humanities, Program Administrators will be offered professional development training.

**Applicants should:**
- *Hold a degree (advanced degree is preferred) in one of the following fields - Economics, Political Science, Sociology and Philosophy*
- *Have three years of teaching experience at a higher educational institution*
- *Have excellent analytic, writing and communication skills*
- *Be able to perform coordination and leadership roles " Have excellent verbal and written English skills*
- *Have international experience (OST, ACCBLS. 1REX and other international programs alumni are preferred)*
- *Be computer literate*
- *Be willing to travel and work in a team*

**Please send or fax your CV and a cover letter to:**

**Open Society Institute, 31 Zarbog Street, Tashkent 700031,**
**fax: (371) 1206854; 1522741**
**or Ustoz Foundation, 45 Uzbekistnnskaya Street, Tashkent 700000,**
**fax: (371) 1326016**

2884-1

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура қурилиш назорати бош бошқармаси жамоаси ушбу бошқарманинг бош ҳисобчиси Сарвар Улашевга отаси

**Ўрал УЛАШЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

